



ECONOMIC RELATIONS BETWEEN THE EMIRATE OF BUKHARA AND IRAN IN THE SECOND HALF OF THE 18TH CENTURY – MID-19TH CENTURY

Uktam Menglievich Karimov

Senior Lecturer

Faculty of History, Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Emirate of Bukhara, Qajars, economic relations, trade, Iran, Bukhara market, Merv, Mashhad.

Abstract: The article describes the economic relations between the Emirate of Bukhara and Iran in the second half of the 18th century to the mid-19th century. It mainly highlights the economic ties between the Qajar rulers and the emirs of Bukhara.

Received: 19.10.25

Accepted: 20.10.25

Published: 21.10.25

XVIII АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XIX АСР ЎРТАЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ ВА ЭРОН ЎРТАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

Ўктам Менглиевич Каримов

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Тарих факултети катта ўқитувчиси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги, кожорлар, иқтисодий муносабатлар, савдо, Эрон, Бухоро бозори, Марв, Машҳад.

Аннотация: XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX аср ўрталарида Бухоро амирлиги ва Эрон ўртасидаги иқтисодий муносабатлар баён қилинган. Асосан кожор ҳукмдорлари ва бухоро амирлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ёритиб берилган.

ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ МЕЖДУ БУХАРСКИМ ЭМИРАТОМ И ИРАНОМ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XVIII ВЕКА – СЕРЕДИНЕ XIX ВЕКА

Уктам Менглиевич Каримов

Старший преподаватель исторического факультета

Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Бухарский эмират, каджары, экономические отношения, торговля, Иран, бухарский рынок, Мерв, Мешхед.	Аннотация: В статье изложены экономические отношения между Бухарским эмиратом и Ираном во второй половине XVIII века – середине XIX века. В основном освещаются экономические связи между правителями династии Каджаров и бухарскими эмирами.
---	--

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигининг жуда кўп шаҳарларида карвонсаройлар қурилишига катта эътибор берилди. Айнан мана шу даврда Бухоронинг қўшни давлатлари ва Россия, Эрон, Ҳиндистон давлатлари билан савдо алоқалари тез суръатлар билан ривожланиб борган. Ички бозорда Бухоро, Самарканд, Қарши, Ғузур шаҳарлари амирликнинг йирик савдо марказлари ҳисобланган. Ушбу шаҳар бозорларида пулнинг қиймати ва маҳсулотлар таннари белгиланган.

XIX аср 30-йилларида рус манфаактурачилари Ўрта Осиё бозорларида иқтисодий жиҳатдан ишончли рақобатчи – инглизлар билан рўпара келдилар. Инглиз бужуазияси ўз саноат маҳсулотлари учун янги бозорлар кашф қилиш ва саноат инқирозидан чиқиш мақсадида Эрон, Ўрта Осиё хонликлари ва Ҳиндистонга қўшни бўлган давлатларга катта эътибор бера бошлайди [1].

В.А.Перовский Осиё савдо департаменти директори К.К. Радофиникинга йўллаган мактубида: “бу кетишда тез орада инглизлар Ўрта Осиё хонликлари билан доимий савдо алоқаларида устунликни қўлга олади. Натижада ... у ерда бизнинг маҳсулотларга талаб тўхтайди. Сўнгра, Хива ва Бухоро Трабзонда яқинда ташкил этилган инглиз савдо қопанияси орқали Эрондан келтирилган инглиз маҳсулотлари билан таъминланади.” Дея қуюнчаклик билан ёзади[2].

Бухоро бозори нафақат шаҳарликлар, балки унинг атрофидаги қишлоқлар аҳолисининг талабларини қондиришда ҳам, алоҳида аҳамиятга эга бўлган энг йирик савдо марказларидан ҳисобланган. Бухоро бозорида кўчманчи чорвадорлар ўз маҳсулотларини Бухоро ҳунармандлари маҳсулотларига айирбошлашган. Бухоро бозорида парча, духоба, ҳар хил читлар, ипак матолар, темир, тилла, қумуш, мис, чўян идишлар, қоғоз, игна, турли хил иплар яхши савдо қилинган.

Бухорода январ ойидан май ойигача савдо яхши бўлган. Бу даврда савдо ярмаркалари ташкил қилинган. Бу савдо ярмаркаларига Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой, Россия ва амирликнинг барча вилоятларидан савдогарлар ташриф буюришган. Бу савдо мавсумида ниҳоятда кўп маҳсулотлар ортган савдо карвонлари Бухорога келган. Савдо карвонлари

улар учун мўлжалланган махсус карвонсаройларда тўхтган. XIX асрнинг бошида Бухорода чет эллик савдогарлар учун мўлжалланган 10 та карвонсарой бўлган. XIX асрнинг 40-йилларига келиб эса 24 та тошдан қурилган ва 14 ёғочдан ясалган, жами 38 та карвон сарой мавжуд бўлган. Бухоро шахрининг бош бозори Регистоннинг марказий майдонида жойлашган бўлган.

Бухоро, асосан Машҳад ва Исфохон билан савдо алоқаларини йўлга қўйган. Бухоро ва Эрон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми бўйича биринчи ўринда ёш қўй териларининг савдоси турган. Бухоро амирлигида териларининг йиллик импорти қарийб икки юз минг донага етди ва XIX асрнинг 80-йилларида Бухоро Эронга 40 минг донагача Қорақўл экспорт қилди. «Бунда вақт ўтиши билан Бухородан Эронга миллионга яқин ипак шарфлар ҳам экспорт қилинди»[3].

Бухоро, Самарқанд, Қарши, Китоб, Шаҳрисабз, Ғузор, Шеробод, Термиз ва Денов каби йирик шаҳарлар асосий савдо марказлари ҳисобланиб, уларда йил давомида қизғин савдо-сотиқ ишлари амалга оширилган. Айнан, Бухоро, Самарқанд ва Қарши бозорларида нарх-наво ҳамда пул бирлиги қиймати белгиланган. Бу ердан қўшни Хива ва Қўқон хонликлари, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ҳамда Россия давлатлари билан катта миқдордаги юклар ортилган йирик савдо карвонлари алмашиб турилган.

Бунда Бухоро амирлигининг катта қисми қуруқлик ва айримлари сув кечувлари орқали ўтган савдо йўллари алоҳида аҳамият касб этган. Айниқса, Бухоро-Самарқанд, Бухоро-Қарши ҳамда Бухорони шарқий ҳудудлар билан боғловчи қуруқликдаги карвон йўллари амирликнинг ички савдосида муҳим ўрин тутган. Жумладан, Бухоро-Қарши карвон йўли ҳақида ҳиндистонлик сайёҳ Мир Иззатулло батафсил маълумот бериб, уни бир нечта тармоққа бўлиниши, шаҳарда савдо карвонлари 3-4 кун дам олиб, кейинги сафарлари учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва улов учун арпа харид қилганини ёзиб қолдирган[4].

Турли ҳудудлар ривожланиб бориши карвон йўлларида савдогарлар, чопарлар, сайёҳлар, элчилар ҳам йўловчиларга хизмат кўрсатиш масаласининг ҳал этилиши билан бевосита боғлиқ эди. Карвон йўлларидаги энг жиддий хавф амирлик ҳудудидан ўтган айрим савдо йўналишлари, айниқса, дашт ва чўл ҳудудларидаги йўللарда қароқчилар томонидан талончилик қилиш ҳолатлари кўп учраган. Бундай йўналишларда савдо карвонлари ва йўловчилар, айрим ҳолларда, ҳатто элчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳам давлат аҳамиятига молик масала бўлган[5].

Шундай қилиб, Мейендорф келтирган далиллар XIX асрнинг 20-йилларида ҳам Бухоро амирлигининг Афғонистон, Ҳиндистон, Кашмир ва Эрон билан жадал савдо алоқаларида бўлиб турганлини тасдиқлайди. Жумладан, кейинги тўрт-беш йилда Бухорода

тахминан 4000 афғонлар бўлиб, уларнинг бир қисми савдо билан шуғулланган. Эронликлар эса 40000 киши бўлиб, уларнинг аксарият кўпчилиги куллар бўлган[6].

Оренбург ва унинг савдо марказларига Россия империясининг Бухоро ва Хива хонликлари ҳамда Ҳиндистон билан савдо алоқаларини ривожлантиришда энг муҳим таянч нуқтаси сифатида қаралган. Рус ҳукумати турли чора-тадбирлар орқали Ўрта Осиё ва Ҳинд савдогарларини Оренбургга жалб этиб, Шарқ молларига тўла карвонларнинг доимий қатновини йўлга қўйишга интиланган[7].

Миссионерларнинг даъвати ҳам, дипломатик келишувлар ҳам, кулол кучи билан бўйсундиришлар ҳам халқларни савдо-сотиқ сингари бирлаштира олмайди[8].

Тарихий манбаларда келтирилган маълумотлар нотинч, ўзаро сиёсий муносабатлар барқарор бўлмаган даврларда ҳам савдогарларнинг фаолияти тўхтаб қолмасдан давом этганлигини кўрсатади[9].

“1887 йилда Бухоро амирлигининг Эронга экспорти 1 млн 120 минг, импорт эса 5 млн 475 минг сўм (рубл) ни ташкил этди. Кейинчалик, товарлар экспорти ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада камайди. XX -аср бошларида (1911-1913) Бухоронинг бу мамлакатга экспорти 200 минг сўм (рубл) қийматга тенг эди. Эрондан Бухорога қиймати 300 минг сўм (рубл) бўлган товарлар олиб келинган. Ушбу пайтда Бухоро амирлигининг Эрон билан савдо айланмаси 500 минг сўмни (рубл) ташкил этди” [10].

Бухородан кўп миқдорда қорақўл терилари, зарб қилинган олтин ва кашмир рўмоллари Эронга Машҳад орқали олиб кирилади, савдогарлар молларини Қобулдан Бухорога ва у ердан Эронга етказиб беришни афзал кўришади. [11].

Яхши сифатли катта пичоқларнинг нархи 1 тиллодан 3 тиллогача; Бухоро қиличини 1 тиллога сотишган; форс қиличларининг яхшиси 10 барабар қимматроқ сотилган[12].

Бухороликлар олтин ва кумушни асосан Ҳиндистон, Эрон ва Хитойдан олиб келишган[13]. Шуни ҳам қайд этиш керакки, Бухоронинг ўзида ҳам олтин ва кумуш қазиб чиқарилган.

Ўрта Осиёда Бухоро, Қарши, Янги Урганч, Қўқон ва Наманган хунармандчилик саноат марказлари эди. Пахта ва ипак матолар ва чарм буюмлар ишлаб чиқарилган, бу эса на фақат ички талабни қондирган балки Ўрта Осиё ташқи савдосини асосларидан бирини ташкил этарди[14].

Хива савдогарлари хунармандчилик маҳсулотларини Бухорога олиб кирардилар ва у ердан улар Хива хонлигига қимматроқ матоларни олиб кетишарди, улар Оренбургга бориб у ерда рус товарларини сотиб олишган. Хива матолари Афғонистон, Ҳиндистон ва Эроннинг шимолига ҳам экспорт қилинган[15].

Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Тибет, Россиядан келган карвонлар ва бошқалар, шунингдек, Бухоронинг атрофларидан келганлар карвонсаройларнинг махсус белгиланган, кўп сонли савдогарларни ва уларнинг молларини қабул қилиш ва жойлаштириш учун мослаштирилган жойларида қолишади. Бухоро бозорида тўртта карвонсарой бор эди. Эрталабдан куннинг ярмигача Чорсу бозорида савдо бўлади. Куннинг иккинчи ярмида эса савдо сотиқ марказий майдонга Регистонга кўчирилади[16].

Бухоро савдогарлари от ва қўйлардан ташқари Эрон шаҳарларига рус товарларини олиб кирганлар. Г.С.Карелин 1832-1833 йилларда Каспий денгизи орқали саёҳат пайтида Машҳадда молларни кўрганлигини улар ҳам Бухородан олиб келинганлиги, илгари Оренбург ва Троицкда сотиб олинганлигини таъкидлайди. Бухоро савдогарлари Машҳадда пахта ва пахта толасидан ишланган матолар, чиройли шарқона ишланган маҳсулотлар, бахмал, юфт, қуйма темир, пўлат, гуруч, мис, шакар, упа эликлар, чинни идишлар, кулфлар ва бошқа маҳсулотларни сотиб яхши фойда кўрганлар. Бухоро савдогарлари Машҳаддан биринчи қўлдан 150-180 рийолга ипак сотиб олишган (37 Россия фунти) [17].

Ўрта Осиё савдогарлари Ҳирот орқали Эронга қўй жуни, қуритилган мевалар, қизил бўёқ ва бошқа маҳаллий маҳсулотларни олиб кирганлар, бунинг эвазига улар Машҳаддан афюн, Ралли К уйидан инглиз товарлари, шакар ва тери маҳсулотлари сотиб олганлар. Машҳаддан Бухорога 10 кунда босиб ўтадиган йўл бор эди. Аммо Бухоро карвонлари уч карра узоқ йўлдан Ҳирот орқали айланма йўлдан юришга мажбур эди[18].

Бухоро ҳар доим гавжум бўлган. Л.К.Меендорфнинг таъкидлашича бу ерда “Россиялик савдогарларни учратиш мумкин, бир неча қўқонликлар, шунингдек эронликлар; баъзан кашмирликларга дуч келиш мумкин”. Тибетликлар ва хитойларни учратмаган. Бухорога Эрондан учта карвон, камдан-кам тўртта карвон ташриф буюрган[19].

Бухоро-Эрон савдо алоқаларида Машҳад, Ҳирот ва Марв шаҳарлари муҳим рол ўйнаган. Эрон шаҳарларидан чиққан савдо карвони 22 кунда Бухоро шаҳрига етиб келган. “Қўшбеги” карвонсаройи эронлик савдогарлар учун меҳмонхона ва моллари учун эса омборхона сифатида хизмат қилган. Бухоролик савдогарлар ҳам Эрон билан қизгин савдо муносабатларида бўлиб, рўмоллар, ойна, темир, мис буюмлар, қозон, темир, сандиқ, рус ва Бухоро олтин тангаларини сотиш учун олиб борганлар. Қайтишда Бухорога чит, сурп, мовут, гилам, ярим шойи газламалар, мўйна, ипак ва бошқа маҳсулотлар олиб келганлар. Шунингдек, Марв ва Машҳад шаҳарлари бозорларида кенг савдода бўлган Англияда ишлаб чиқарилган молларни ҳам олиб келишган. Бухоро ва Эрон ўртасидаги савдо муносабатларида ҳаж зиёратчилари ҳам муайян ўрин тутганлар. Улар сафар харажатларини

қоплаш мақсадида Эрон бозорларида сотиш учун ипак рўмоллар, пичоқлар, Наманган шойиси, Қўкон дўппилари олиб борганлар[20].

Бухоро амирлиги савдо сотикда Эрон билан кенг кўламли ишларни амалга оширишга ҳаракат қилган. Бухоро аҳолиси эрондан келган маҳсулотларни сотиб олганлар ва ўзларини ҳунаремандчилик маҳсулотларини сотганлар ёки маҳсулотга алмашганлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. История народов Узбекистана. – Т. II – Ташкент: Ан Уз ССР, 1947. – С.216.
2. Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии (первая половина XIX). ...- С. 10-46.
3. В.Клем. Современное состояние торговли в Бухарском ханств. //Сборник материалов по Азии. - Выш. 33. -СПб., 1888. -С.3.
4. Аминов Б.Труд Мирза Иззатуллы «Масир-и Бухоро» как важный источник по истории Средней Азии начала XIX в. / Великий Шелковый путь. Культура и традиции. Материалы научно-теоретической конференции. – Ташкент: 2006 – С. 114 -115.
5. Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Академия, 2008 – Б. 195-196; 200-201; 297-298.
6. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару/Перев. Е.К. Бетгера. М., 1975. С. 106.
7. Нигора Аллаева «Хива хонлигининг дипломатияси ва савдо алоқалари (XVI - XIX асрлар)» - © «Akademnashr», 2019. 366 б.
8. Хрулев С. Проект устава товарищества для развития торговли со Среднею Азию // Туркестанский сборник. - СПб., 1883. Т. 375. - С.73.
9. Дипломатические и торгово-экономические взаимоотношения Среднеазиатских ханств с Ираном в XIX в. Мехди Джафаризаде. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Душанбе -2012. Стр-16.
10. Бухарский эмират на мировом рынке. (вторая половина XIX - начало XX столетия). Ёров Абдумансур Шомахмадович Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. 21-с Душанбе – 2005.
11. Дипломатические и торгово-экономические взаимоотношения Среднеазиатских ханств с Ираном в XIX в. Мехди Джафаризаде. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Душанбе -2012. Стр-18.
12. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару/Перев. Е.К. Бетгера. М., 1975. С 116.
13. Чехович О.Д. К истории Узбекистана в XVIII в.//Труды Института востоковедения А Н УзССР. Ташкент, 1954. С. 48

14. Вамбери А. Путешествие в Среднюю Азию в 1863 г.//Туркестанский сборник. Т. XII. С. 351-356.
15. Туркестанский сборник. Т. XII. С. 230.
16. Российского унтер-офицера Ефремова, ныне коллежского асессора десятилетнее странствование. С. 67.
17. Путешествие Г.С. Карелина по Каспийскому морю // ЗИРГО. Т.Х. Спб. 1883. С.261.
18. Гульсум Алиевна Михалева. Узбекистан в XVIII-первой половине XIX века. Ремесло, торговля и пошлины. С 72. Ташкент издательство. «Фан» Академии Наук Узбекской ССР 1991.
19. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару/Перев. Е.К. Бетгера. М., 1975. С. 97.
20. Бухоро амирлигининг Афғонистон ва Эрон билан ташки савдо алоқалари Кудратов Шухрат Ёдгорович. Археология ва Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.ф.д. (PhD). <https://doi.org/10.53885/edinres.2024.01.1.004> // Вамбери Х. Очерки Средней Азии. Дополнение к путешествию в Среднюю Азию. - Москва, 1868. – С. 371-372.